

ЎЗБЕКИСТОН МОЛИЯ БОЗОРИДА ИСЛОМИЙ МИКРОМОЛИЯ
ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ

Отамуродов Жасур Йўлдошевич

Ўзбекистон Республикаси Банк молия ақадемияси магистранти.

E-mail: jasurotamurodov1979@gmail.com

<https://doi.org/10.5281/zenodo.15204404>

Аннотация. Ўзбекистонда исломий молияга бўлган қизиқиши ва талаб йил сайин ортиб бормоқда. Бу эса нафақат исломий молиявий маҳсулотларни жорий этиши, балки ушибу соҳада малакали мутахассисларни тайёрлаши масаласини ҳам кун тартибига қўяди.

Исломий молия бозори ривожланиши учун етарлича билимга эга мутахассислар керак бўлади, аммо ҳозирги кунда таълим тизими бу эҳтиёжга тўла жавоб бермаяпти.

Шунинг учун ҳам бу соҳада тизимили ислоҳотлар амалга оширилиши зарур. Уйбу мақолада исломий молия мутахассислари тайёрлаши билан боғлиқ муаммолар ҳақида баён қиласиз.

Калит сўзлар: Ислом молияси ,исломий микромолия,шариат маслаҳтчиси,махсус кенгаш, халқаро сертификат.

Аннотация. Интерес и спрос на исламское финансирование в Узбекистане растет с каждым годом. Это ставит на повестку дня не только вопрос внедрения исламских финансовых продуктов, но и вопрос подготовки квалифицированных специалистов в этой сфере. Развитие исламского финансового рынка требует специалистов с достаточными знаниями, однако существующая система образования не в полной мере удовлетворяет эту потребность. Вот почему необходимы системные реформы в этой сфере. В этой статье мы обсудим проблемы, связанные с подготовкой специалистов по исламским финансам.

Ключевые слова: Исламские финансы, Исламское микрофинансирование, консультант по шариату, специальный совет, международный сертификат.

Abstract. Interest and demand for Islamic finance in Uzbekistan is growing every year.

This puts on the agenda not only the issue of introducing Islamic financial products, but also the issue of training qualified specialists in this field. The development of the Islamic financial market requires specialists with sufficient knowledge, but the current education system does not fully meet this need. Therefore, systemic reforms are needed in this area. In this article, we will describe the problems associated with the training of Islamic finance specialists.

Keywords: *Islamic finance, Islamic microfinance, Sharia consultant, special board, international certificate.*

Исломий молия Ўзбекистон молия бозорининг муҳим таркибий қисмига айланиб бормоқда. Мамлакатда бу соҳанинг ривожланиши халқаро тажрибалар ва ички бозор эҳтиёжлари асосида амалга оширилмоқда.

Исломий молия инструментларини жорий қилиш учун етарли билим ва кўникумаларга эга малакали мутахассислар зарур. Лекин ҳозирги ҳолатда бу соҳада кадрлар этишмовчилиги мавжуд бўлиб, таълим тизимида исломий молияга ихтисослашган дастурларнинг чекланганлиги муаммо бўлиб қолмоқда.

Шу сабабли, исломий молия соҳасидаги мутахассисларни тайёрлашни стратегик йўналиш сифатида ривожлантириш муҳим аҳамиятга эга.

Исломий молия кадрларини етарли даражада тайёрлаш учун қуйидаги таклифлар илгари сурилади:

1. Олий таълим тизимини тақомиллаштириш

- Исломий молия бўйича алоҳида йўналишлар очиш: Университетларда бакалавр, магистратура ва докторантурда дастурлари жорий этилиши керак.
- Халқаро стандартларга мос ўқув дастурларини шакллантириш: AAOIFI (Accounting and Auditing Organization for Islamic Financial Institutions) ва IFSB (Islamic Financial Services Board) каби халқаро ташкилотлар стандартлари асосида мутахассислар тайёрлаш муҳим.

-Хорижий университетлар билан ҳамкорлик: Исломий молия соҳасида етакчи ҳисобланган Малайзия, Бирлашган Араб Амирликлари ва Буюк Британия каби мамлакатлар университетлари билан қўшма таълим дастурлари ишлаб чиқиш зарур.

2. Амалиётга йўналтирилган таълимни ривожлантириш

-Банклар ва молиявий ташкилотлар билан ҳамкорлик: Исломий банклар ва инвестиция фондларида стажировкалар ташкил қилиш орқали мутахассисларнинг амалиётда билим олишини таъминлаш.

-Исломий молия марказларини очиш: Илмий-тадқиқот ва малака ошириш марказларини ташкил этиш орқали соҳадаги мутахассислар тайёрлаш жараёнини жадаллаштириш.

-Тренинг ва малака ошириш курслари: Давлат ва хусусий сектор ҳамкорлигига ишлаб чиқарилган қисқа муддатли ўқув дастурлари орқали мавжуд молия мутахассисларини қайта тайёрлаш.

3. Жамиятда исломий молия ҳақида хабардорликни ошириш

-Оммавий ахборот воситалари ва онлайн платформалар орқали тарғибот: Исломий молия маҳсулотларининг афзаликкларини тушунтириш ва уларнинг самарадорлигини кенг ёритиш.

-Исломий молия бўйича бизнес форумлар ва конференциялар ташкил этиш:

Мутахассислар ва тадбиркорлар учун исломий молия имкониятлари ҳақида маълумот бериш.

-Аҳоли ва тадбиркорлар учун маслаҳат хизматларини ривожлантириш: Исломий молия хизматларидан фойдаланиш тартибини тушунтиришга қаратилган марказлар ташкил этиш.

4. Конунчиликни такомиллаштириш ва давлат қўллаб-куватлашини ошириш

-Исломий молия институтлари фаолиятини тартибга солувчи қонунларни ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш.

-Исломий молиявий хизматларни ривожлантириш учун имтиёзлар бериш: Исломий банклар ва суғурта компаниялари учун солиқ имтиёзлари ва қўшимча қуликлар яратиш.

-Молия регуляторлари ва давлат идоралари томонидан исломий молия тизимини ривожлантиришга кўмак бериш: Давлат ва хусусий сектор ўртасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлаш.

Агар бу чора-тадбирлар амалга оширилса, Ўзбекистон нафақат ички бозорда, балки Марказий Осиё минтақасида ҳам исломий молия мутахассислари тайёланадиган марказлардан бирига айланиши мумкин.